

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) ОИД ШАРТНОМА № 5

Самарканд шахри

«14» «июл» 2022 йил

МЧЖ "Uz Pro Building", кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи директор Турсунов О.К., номидан, бир томондан ва Шароф Рашидов номидаги Самарканд давлат университети кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устави асосида иш юритувчи Р.Халмурадов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га университетга 4 сонли талабалар турар жойини таъмирлаш ишлари бўйича хизмат курсатади, "Буюртмачи" ушбу "курсатилган хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ташқари маблағлари доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтказгандан сўнг 5 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

### 2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни текин тузатиб бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 1 769 500 000 (бир миллиард етти юз олтимиш туккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган. Кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тулов 15 % ни ташкил қилади. Қолган 85 % туловни счет-фактурага асосан товар олингандан сўнг тулаб берилади.

Шартнома кўрсатилган ишлар 2022 йил 14 июл куни бошланиб 2022 йил 13 август куни тугатилади. Ишларни бажариш муддати 30 кун.

3.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортиментини, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи

миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **VII. ШАРТНОМАНING АМАЛ ҚИЛИШИ**

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3 Мазкур 1 769 500 000 сумлик, № 5 сонли шартнома 2022 йил «14» июлда 2 нусхада тузилган бўлиб, 2022 йил «31» декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга қиради

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.)

**IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

«Ижрочи»

**МЧЖ “Uz Pro Building”**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Самарканд шаҳар, Термез кучаси 78

Тел./факс: +998 98 5734900

Х/Р: 2020 8000 1007 8312 2001

Банк номи: АТБ Хамкор банк Сам филиал

МФО 01030 СТИР: 304956760

ОКОНХ: \_\_\_\_\_

«Буюртмачи»

Шароф Рашидов номидаги СамДУ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Университет хиёбони 15

Тел./факс: 233-50-23

ш/х/р 400910860184017094100079004

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 201213338

ОКОНХ: 92110 МФО: 00014

Ҳазначилик бошқармаси номи: Молия

Вазирлиги Ҳазначилиги Самарканд вилояти

Бўйича Ҳазначилик бошқармаси

Ҳазна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ

Тошкент шаҳар бошқармаси манзил:

Самарканд шаҳар Кўксарой майдони №1

МФО: 00014 ОКОНХ: 97160

Ҳазначилик бошқармаси СТИРи: 201122919

Рахбар



О.Турсунов

М.Ў.

Ректор

М.Ў.



Р.И.Халмурадов

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

Лицензия

(диплом)

№ \_\_\_\_\_

берилган

санаси:

«\_\_» \_\_\_\_\_

2022 й

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

Лицензия

(диплом)

№ \_\_\_\_\_

берилган

санаси:

«\_\_» \_\_\_\_\_

2022 й

2022 йил 14 июлдаги № 5 сонли шартномага 1-сонли илова

№	мазмун	улчов бирлиги	сон	бахоси	Жами суммаси
1	Самарқанд шаҳар Ўзбекистон қўчаси 11/9 уй манзилда жойлашган Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг 4-сонли талабалар турар жойини таъмирлаш	сум	1	1 769 500 000	1 769 500 000

Жами: Бир миллиард етти юз олтинчи туққиз миллион беш юз минг сум

МЧЖ "Uz Pro Building"

Раҳбар



О.Турсунов

Шароф Рашидов номидаги СамДУ

Ректор



Р.И.Халмурадов